



## **БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАЁТГАН МУАССАСАЛАРДА БЮДЖЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**Турабов Баҳодир Тухтамишович**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви академияси мустақил  
изланувчиси, и.ф.н., Тошкент, Ўзбекистон. [b.t.turabov@gmail.com](mailto:b.t.turabov@gmail.com)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a4](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a4)

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизимининг давлат секторидаги ўрни, мақсади, вазифалари ва уни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, улардан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** аудит, молиявий назорат, ички назорат, бюджет интизومي, бюджет барқарорлиги, бюджет, бюджетни маблағлари, молиявий ҳисобот, бюджет тушумлари, тафтиш.

### **Аннотация**

В данной статье рассматриваются роль, назначение, задачи действующей системы государственного финансового контроля и внутреннего аудита Республики Узбекистан в государственном секторе, а также нормативно-правовых документов, ее регламентирующих, а также вопросы укрепления бюджетной дисциплины, повышение эффективности и результативности использования в учреждениях, финансируемых из бюджета.

**Ключевые слова:** аудит, финансовый контроль, внутренний контроль, бюджетная дисциплина, бюджетная устойчивость, бюджет, бюджетные средства, финансовый отчет, бюджетные поступления, аудит.

### **Abstract**

This article examines the role, purpose, tasks of the current state financial control and internal audit system of the Republic of Uzbekistan in the public sector, as well as the regulatory and legal documents that regulate it, as well as the issues of strengthening budget discipline, increasing the efficiency and effectiveness of use in institutions financed from the budget.

**Keywords:** audit, financial control, internal control, budget discipline, budget stability, budget, budget funds, financial report, budget receipts, audit.

### **Кириш**

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласидан бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан

жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Маълумки, Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган маблағлар жамғармаси бўлиб, у давлатнинг вазифаларини бажаришни молиялаштиришга йўналтирилади. Кейинги йилларда барча мамлакатларда давлат бюджетининг аҳамияти ошиб бормоқда. Бунда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ҳам ошади.

Давлат бюджети муайян мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди. Жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва фаолиятига қараб Давлат бюджети моҳияти, унинг даромадлари ва харажатлари хусусияти ҳамда таркиби турлича бўлади. Саноати ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиёт ялпи ички миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашга фаол аралашуви Давлат бюджети мавқеининг ошишига сабаб бўлади, миллий даромад давлат ихтиёрида йиғилади ва унинг бюджет орқали қайта тақсимланадиган қисми кўпаяди.

Ҳозирда ривожланган мамлакатларда давлат бюджетининг асосий қисми солиқлар (фуқароларнинг шахсий даромадларидан ундириладиган шахсий даромад солиғи, иш ҳақи фондига солиқ ва корхоналар, корпорациялар фойдасидан ундириладиган фойда солиғи ва б.) ҳисобига шаклланади (мас, 1987 й. да АҚШда солиқ тушумлари Давлат бюджетининг 98% ини, Буюк Британияда 96,7% ини, Францияда 91,5% ини ташкил қилди). АҚШ федерал бюджетидан қилинадиган харажатлар орасида “даромадлар даражасини таъминлаш” (қариялар, меҳнатга лаёқатсизлар, ишсизлар, ногиронлар, тиббий ёрдамга муҳтожлар, боқувчисини йўқотган оилалар ва ҳ. к. га ёрдам кўрсатиш) сарфлари 40%, миллий мудофаа харажатлари (28— 30%) энг муҳим ўринда туради.

Ҳозирги даврда оз сонли ижтимоий (социалистик) мамлакатларда Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми давлат сектори (ижтимоий мулк)дан тушадиган маблағлардан, кооперативлар, хусусий корхоналардан, аҳолидан олиннадиган турли солиқлардан ҳосил бўлади ва асосан халқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-маиший тадбирларга сарфланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Энди Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган муассасаларда бюджетдан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалаларига оид илмий ёндашувларни таҳлил қиламиз.

Республикамызда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат молиявий назорати тизимини мазмун ва сифат жиҳатдан замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Буни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегияси”нинг учинчи йўналишида келтириб ўтилган “харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”га қаратилган бандида ҳам яққол кўриш мумкин [1].

А.Маманазаров маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб борган [2]. Унинг фикрига кўра, бюджетнинг барқарорлиги қуйидаги икки жиҳат билан ифодаланишини қайд этиб ўтади. биринчидан, бу бюджетнинг баланслашган бўлиши ва тақчиллик бўлмаслигини билдиради; иккинчидан, бу тақчиллик бўлганда ҳам уни бир меъёردа сақланишини англатишини таъкидлаб ўтади.

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ҳамда назоратини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулар жумласидан бюджет жараёнининг шаффофлигини янада ошириш ва унинг устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот механизмини такомиллаштириш, вазирлик ва идораларнинг бўйсунувидаги муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини ошириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ва халқаро эътироф этилган молиявий назорат стандартларини жорий қилиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактикасига қаратилган давлат молиявий назоратининг ролини тубдан қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Профессор С.Мехмоновнинг диссертация ишида бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятининг ташкилий-амалий жиҳатлари, бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини ривожлантириш ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган [3]. Бу олим шундай ёзади: “Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет тизими бюджетлари ижроси молиявий назоратида ички аудит фаолиятини ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб бизнингча, бюджет ташкилотларида ички аудит фаолияти хизмати учун алоҳида Ички аудит стандартлари қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Ички аудит фаолияти аудит стандартлари асосида ташкил қилиниши аудит ўрганишларини режалаштиришга, назорат ва текшириш турига, назорат қилиш учун керакли маълумотларни тўплашга, тизимлаштиришга ягона ёндашув таъминланади. Шу билан биргаликда ички аудит фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконият яратилади [4.]

PhD М.Мансуров бюджет тузилишини жаҳон амалиётига асосланган ҳолда марказлаштирилган, марказлаштирилмаган ва аралаш турдаги шаклларга ажратилишини таъкидлаб ўтади [5]. Шунингдек, маҳаллий бюджетларда амалга оширилган молиявий назорат натижаларига эътибор қаратади. “Маҳаллий бюджетлар тузилиши ва ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари яқунлари тегишли вилоят ҳокимликларида маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассаса ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилиниб, аниқланган бюджет интизомини бузиш ҳолатларини такрорланмаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Йўл қўйилган хато камчиликларнинг аксарият қисми бюджетнинг харажатлар қисмига тўғри келади. Бюджетнинг харажатлар қисмини ижросини таъминлашда маҳаллий ҳокимият вакиллари ва кенг жамоатчилик фикри инобатга олинмаган. Табиийки бюджет ижроси

маълумотларининг очиклигини таъминланмаганлиги унинг назоратини сусайтириб юборди” деган хулосани келтириб ўтади.

И.ф.н. М.Хусаинов маҳаллий бюджетларнинг харажатларини тақсимлашда иерархик баҳолаш орқали бюджет харажатлари йўналишларига устунлик бериш орқали маблағларни тақсимлашни таклиф этади. Бунда маҳаллий бюджетни кўп қамровли кластер шаклида тасвирлаб, ижтимоий, маиший, маъмурий ва маданий соҳаларнинг устунлик даражасини ўртача вазнга ҳисоблаш орқали амалга оширишни таклиф этади. Шу нуқтаи назардан, эксперт-сўровнома методидан фойдаланишни тавсия этади [6].

Ўзбекистон Республикасида давлат молиявий назоратини ташкил этиш масалалари бўйича ҳуқуқий асослар мавжуд бўлиб, улардан бюджет қонунчилигининг асосий манбаси - Бюджет кодекси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонун ости ҳужжатларидан, шунингдек, Солиқ ва Божхона кодексларидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6300-сонли Фармойиши, ПҚ-128-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Низомдан (ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги “Молия вазирлиги ҳузурида давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 129-сон қарори билан тасдиқланган) иборатдир. Бугунги кунда давлат молиявий назоратига тааллуқли ҳуқуқий асослар мавжуд бўлишига қарамай, ушбу тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Яъни, давлат молиявий назоратининг ҳуқуқий асосларини уйғунлаштириш, ягона ҳамда мукамал қонун, концепция ва услубий қўлланмалар яратиш, қонунчиликка зарурий ўзгартиришлар киритиш, давлат молиявий назоратининг шаффофлик даражасини ошириш, ваколатлар ва мажбуриятларнинг такрорланишига йўл қўймаслик ягона мезонларини яратиш.

#### **Тадқиқот методологияси**

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджетдан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими, ташкилотлардаги муаммолар ҳамда тизимли муаммоларга эътибор қаратиш муҳим деб ҳисоблаймиз ва шу билан бирга давлат молиявий назорати ва ички аудити тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар кўрсатиб ўтилган.

**1 жадвал**

<b>Ўзбекистон Республикасида амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими</b>		
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	Давлат молиявий назорати департаменти	Ички аудит хизматлари

Юқоридаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими таркибидаги ташкилотлар кўрсатиб ўтилган.

**Ташкилотлардаги муаммолар**

**Ҳисоб палатаси:**

1. Давлат бюджети харажатларини назорат қилиш қамрови паст (2020 йилда 5-6 фоиз);

2. Штат сони кам, ҳудудий бўлинмалар йўқ, назорат тадбирларида асосан бошқа ташкилотлардан ходимлар жалб қилинади, айрим текширишлар танлов усулида, тор доирада олиб борилади;

3. АСКУЭ/АСКУГ жорий этилиши, Президент топшириқлари ижросини назорати ва бошқа вазифаларни самарали амалга ошириш имкони чекланмоқда;

4. Бошқа назорат қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик тизими йўқ;

5. Олий молиявий назорат органларининг халқаро ташкилотларига аъзо эмас (АСОСАИ, ИНТОСАИ), фаолиятида халқаро тажрибани қўллаш амалиёти мавжуд эмас.

6. Ҳисоб палатаси Раҳбариятига:

- ходимларни ишга қабул қилиш, вазифасидан озод этиш ва уларни рағбатлантириш ёки интизомий чора кўриш;

- назорат объектининг айбдор ходимларига нисбатан интизомий чоралар қўллаш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш ваколати берилмаган.

**Давлат молиявий назорати департаменти:**

1. Департаментни Молия вазирлиги таркибида бўлганлиги назоратни амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради.

2. Таҳлика-таҳлил, камерал назорат ва талон-тарожликни олдини олиш тизими самарали йўлга қўйилмаган, ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш имконияти чекланган.

3. Ҳудудларда маҳаллий ҳокимликлар таъсири кучли, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ходимларни мунтазам жалб қилиниши (текширишларнинг 87 фоизи) натижасида Департамент зиммасига юклатилган вазифаларини тўлақонли бажармаслик, бюджет маблағлари талон - тарожига сабаб бўлмоқда.

4. Ходимлар маошини камлиги кадрлар қўнимсизлиги, тизимда асосан тажрибасиз ходимларни қолаётганлиги сабабли тизимда турли коррупцион ҳолатлар ошган.

5. Ходимларни рағбатлантиришда, текширишларда ундирилган маблағлардан Департаментга қилинган ажратмаларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқи йўқ.

6. Давлат харидларида товар (хизмат)лар нархлари тўғрилигига хулоса бериш, қурилиш ишларини қайта назоратдан ўтказиш ваколати йўқ.

**Ички аудит хизматлари:**

1. Ички аудитнинг асосий мақсади хато ва камчиликларни олдини олиш, тизимли муаммоларини бартараф этиш бўлсада, амалда улар тизимсиз, самарасиз текшириш билан шуғулланиб қолмоқда.

2. Ички аудит ходимлари сони ўз соҳасидаги объектлар сонига номутаносиб, ходимлар малакаси паст, фаолият натижалари устидан назорат йўқ.

3. Аниқланаётган қонунбузарликларни тизимли равишда бартараф этиш таъминланмаган.

4. Риск-таҳлил, масофавий назорат ва талон-тарожликни олдини олиш тизими самарали йўлга қўйилмаган, ташқи манба маълумотларидан фойдаланиш имконияти чекланган.

5. Қонунчиликда ички аудит тизимини молиявий назорат йўналишида статуси белгиланмаган.

Натижада, ички аудит хизматларининг хулосалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Давлат молиявий назорати Департаментига қайта тафтиш белгилаш учун қайтарилмоқда.

#### **Тизимли муаммолар**

1. Давлат молиявий назорати тизимида ягона сиёсатни юритиш, тизимдаги ташкилотлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш учун масъул ташкилот белгиланмаган.

2. Ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, аудиторлик даражасини сертификатлаш тизими яратилмаган.

3. “Давлат аудити ва молиявий назорат тўғрисида” қонун қабул қилинмаган, ички ва ташқи аудитни амалга ошириш бўйича стандартлар мавжуд эмас.

4. Вазирликлар, идоралар ва банк муассасаларининг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имконияти яратилмаган. Камерал назорат, таҳлика-таҳлил асосида самарали назорат тизими мавжуд эмас. Масалан, Халқ таълим вазирлиги аудиторлари Қашқадарё вилоятида 20 кун давомида қоғоз шаклидаги ҳужжатлар асосида 500 млн сўмлик қонунбузарликлар аниқлаган бўлса, Ҳисоб палатасининг электрон маълумотлари ҳамда камерал назорат ва риск-таҳлил натижалари тақдим қилингандан сўнг 10 кун муддатда 11,0 млрд сўмлик талон-тарожликлар аниқланди.

5. Назорат тадбирларидан аниқланган ҳолатларни ҳисобини юритишнинг ягона маълумотлар базаси яратилмаган.

6. Аниқланган қонунбузарликларни ОАВларда кенг ёритиш, жамоатчилик билан ишлаш самарали йўлга қўйилмаган.

7. Назорат объектини белгилашда турли молиявий назорат органларини иш режалари ўзаро мувофиқлаштирилмайди. Натижада бюджет ташкилотлари ўзоқ вақт давомида назоратдан ўтказилмаслиги ва талон-тарожликлар кўпайиш ҳолатлари юзага келмоқда. *Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида 216 та, Сурхондарёда 707 та ташкилот 5 йилдан ортиқ муддатда якуний назоратдан ўтказилмаган.*

8. Штатлар сонини назорат объекларининг сонига, ажратилган бюджет маблағлари миқдорига нисбатан мутаносиб тарзда белгилаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. *Масалан, Департаментнинг 1 ходимида Сурдарё вилоятида 106 та объект тўғри келса, Андижон вилоятида 50 та тўғри келади.*

9. Назорат тадбирлари қонунбузилишлар содир этиб бўлганидан кейин аниқлашга қаратилган, уларни сабабларини аниқлаб, олдини олиш ва самарадорлик аудити каби профилактик тадбирлар эътибордан четда қолмоқда.

2 жадвалда давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими таркибидаги ташкилотлар кўрсатиб ўтилган.

#### **Жадвалда кўрсатиб ўтилган ташкилотларнинг асосий вазифа ва функциялари: Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:**

1. Соҳалар ва ҳудудлар бўйича давлат ташқи аудитини амалга оширади;

2. Давлат молиявий назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва услубий таъминлайди, аудит стандартларини ишлаб чиқади;

3. Давлат молиявий назорати Инспекцияси фаолиятининг сифатини назорат қилади ҳамда фаолиятига баҳо беради.

**2 жадвал**

**Давлат молиявий назорати ва ички аудити тизимини такомиллаштириш юзасидан таклиф**

<b>Давлат молиявий назорати ва ички аудити тизими</b>				
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	Давлат молиявий назорати Инспекцияси	Вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари	Молия вазирлигининг Ички аудит хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш департаменти	Аудиторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази

**Давлат молиявий назорати Инспекцияси:**

1. Бюджет ташкилотлари кесимида ташқи молиявий назоратни амалга оширади;
2. Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликдаги ташқи назоратда иштирок этади.

**Вазирлик ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари:**

1. Вазирликлар тизимидаги ташкилотларда ички назорат ва профилактика тадбирларини амалга оширади;
2. Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликдаги ташқи назоратда иштирок этади.

**Ички аудит хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш департаменти:**

1. Ички аудит хизматлари фаолиятини мувофиқлаштиради;
2. Ички аудит хизматларини услубий таъминлайди;
3. Давлат ички аудити стандартларини ишлаб чиқади.

**Аудиторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази:**

1. Давлат молиявий назорат органлари ҳодимларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;
2. Ўқув дастурларини ва методик қўлланмаларни тайёрлайди.

**Кутилаётган ижобий натижалар:**

1. “Давлат молиявий назорати ва аудити тўғрисида” Қонун ишлаб чиқиш орқали давлат назорат органлари ва ички аудит хизматларининг вазифалари аниқ белгиланади.
2. Давлат молиявий назорати тизимида ягона сиёсатни юритиш, тизимдаги республика ва ҳудудий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш учун масъул орган сифатида Ҳисоб палатаси белгиланади.
3. Барча молиявий назорат органларининг ягона маълумотлар базаси яратилиб, камерал назорат, таҳлика-таҳлил асосида самарали назорат тизими йўлга қўйилади.
4. Аниқланган қонунбузарлик ва муаммоларни ягона электрон базада жамлаш, коллегиял муҳокама этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилади.

5. Давлат молиявий назорати органлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми яратилади;

6. Халқаро талабларга жавоб берадиган Давлат молиявий назоратининг яхлит тизими яратилади.

7. Ички аудиторлар фаолияти аниқ белгилаб берилиб, вазирликлар тизимида жорий назорат кучайиши натижасида қонунбузарликлар содир этилишидан аввал аниқланади ва ноқонуний ўзлаштиришларнинг олди олинади;

8. Назорат органлари ва ички аудит хизмати ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими яратилиб, кадрлар савияси ва маҳорати оширилади.

9. Текширишларни такрорланиши олди олинади, коррупция ҳолатлари камаяди, бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига қатъий риоя этилиши таъминланади.

10. Тизимда иш ҳақи миқдорларини ошириш ҳисобига ходимлар қўнимсизлиги камаяди, малакали аудиторлар институти юзага келади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ҳамда Давлат молиявий назорати тизимини такомиллаштири масалаларини ислоҳ қилишнинг сабаблари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

– аввало, бюджет ташкилотларида аниқланаётган молиявий хато ва камчиликлар ҳамда камомад ва ўзлаштиришлар миқдорининг ортиб бораётганлиги бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигига салбий таъсири юзасидан хавотирга солаётганлиги;

– ривожланган давлатлар тажрибасида вазирлик ва идораларда ички назорат ҳамда ички аудит тизимининг ривожланганлиги, шунингдек, аниқланган молиявий хато ва камчиликлар, камомад ва ўзлаштиришлар бўйича раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги белгиланганлиги;

– илғор хориж тажрибада давлат молиявий назоратида биринчи галдаги вазифа сифатида сарфланаётган маблағлар самарадорлиги ҳамда натижадорлигини баҳолашга ўтилганлиги, молиявий хато ва камчиликлар ҳамда камомад, ўзлаштиришларни аниқлаш функцияси кўп ҳолларда асосий фаолияти эмаслигидир.

Муҳокамалар давомида бюджет харажатлари очиқ-ошкора бўлиши, давлат идоралари, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона, тизимли равишда сарфлаши зарурлиги таъкидланиб, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларда молиявий интизомга риоя этилиши юзасидан назоратни янада кучайтириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар белгиланди.

Хулоса шуки, амалдаги давлат молиявий назорати ва ички аудити тизимини янада ривожлантириш бу борада халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиб, бюджет ташкилотларида аниқланаётган молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда бюджет ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, шунингдек, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, камомад ва ўзлаштиришларга йўл қўймаслик орқали бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришишдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори «Давлат молиясини бошқариш ислохотлари» лойиҳасини амалга оширишга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида». –Тошкент, 2000 й.

2. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2002. –22 б.

3. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш.-08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)диссертация автореферати.-Тошкент.-2018.б.31-32

4. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил

5. Мансуров М.А. Давлат бюджетини ижро этишда бюджет маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш ва марказлашган бюджетдан воз кечишнинг аҳамияти//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. – Т. БМА.,2019 (ноябрь-декабрь). - №6. –Б. 58-67.

6. Ҳусаинов М. Маҳаллий бюджетни кластерли таҳлил этиш//Иқтисодиёт ва таълим журанли. –Т., 2011. - №6. – Б.117-119.

7. Khusniddin, E., & Mahammadsidik, A. (2022). Tourism Development for Baysun SPA in Uzbekistan as a New Destination. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 14, 96-100.

9. Maxamadumarovich, U. A., Obrenovic, B., & Amonboyev, M. (2012). Understanding the innovation concept. *Journal on Innovation and Sustainability RISUS*, 3(3), 19-26.

10. Mahamasiddiq, A. (2018). Establishing Stock Market Attractiveness and Investment Infrastructure in Uzbekistan through Effective Implementation of Corporate Governance Mechanisms. *International Journal of Innovation and Economic Development*, 4(1), 19-28.

11. Ходиев, Б., Карлибаева, Р., & Амонбоев, М. (2010). Корпоратив бошқарув: ўқув қўлланма.

12. Ahunjonov, U., Asa, A. R., & Amonboyev, M. (2013). An Empirical Analysis of SME Innovativeness Characteristics in an Emerging Transition Economy: The Case of Uzbekistan. *European Journal of Business and Management*, 5(32), 129-135.

13. Amonboev, M., & Khalilov, S. S. (2019). Main directions and prospects for the development of tourism industry. *Economics and Innovative Technologies*, 2019(3), 38.

14. Madrahimovich, R. N., & Mahammadsidik, A. (2016). Corporate Governance and Development: The Case of Uzbekistan. *Journal of International Business Research and Marketing*, 1(6), 31-36.

15. Amonboev, M. (2020). ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ МОДЕЛЬ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА. *Архив научных исследований*, 1(26). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2472>

Другие форматы библиографических ссылок

16. Makhmadsidik, A. (2019). Increasing the Effectiveness of Investment Management by Introducing Corporate Governance in Joint-Stock Companies. *Journal of International Business Research and Marketing*, 4(5), 7-12.
17. Mukhammadsiddik, A., Bobir, T., & Shohrurbek, R. (2022). Main Tendencies of Historical and Cultural Tourism Development in Uzbekistan. In *Event Tourism in Asian Countries* (pp. 9-37). Apple Academic Press.
18. Khusniddin, E., & Mahmadsidik, A. (2022). Tourism Development for Baysun SPA in Uzbekistan as a New Destination. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 14, 96-100.
19. Amonboev, M. (2020). ЭКОНОМИКА ТУРИЗМА. *Архив научных исследований*, (3).
20. Amonboev, M. (2020). Теория рыночного инфраструктура. *Архив научных исследований*, 33(1). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/3252>
21. Amonboev, M. (2020). Increasing the effectiveness of investment management by introducing corporate governance in joint-stock companies. *Архив научных исследований*, (26).
22. Amonboev, M., & Adkham. (2020). Мировая экономическая тенденция к развитию прокладывает путь для инноваций. *Архив научных исследований*, 1(24). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2753>
23. Amonboev, M. (2020). Corporate Governance and Development: The case of Uzbekistan. *Архив научных исследований*, 1(22). извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2464>
24. Egamnazarov, K. Kh.(2010). *Terminy rodstva i ikh funktsional'no-semanticheskie mikrosistemy v uzbekskom i angliiskom yazykakh*.